

Шамоилул-Муҳаммадия / РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙХИ ВАСАЛЛАМНИНГ КЎРИНИШЛАРИ / 21-ҳадис

21- حَدَّثَنَا أَبُو عَمَّارٍ الْحُسَيْنُ بْنُ حُرَيْثٍ الْخَزَاعِيُّ، قَالَ: حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُسَيْنٍ بْنِ وَاقِدٍ، حَدَّثَنِي أَبِي، قَالَ: حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ بُرْيَدَةَ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبِي بُرْيَدَةَ، يَقُولُ: جَاءَ سَلْمَانُ الْفَارِسِيُّ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، حِينَ قَدِمَ الْمَدِينَةَ إِمَائِدِهِ عَلَيْهَا رُطْبٌ، فَوَضَعَهَا بَيْنَ يَدَيْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: يَا سَلْمَانُ مَا هَذَا؟ فَقَالَ: صَدَقَةٌ عَلَيْكَ، وَعَلَى أَصْحَابِكَ، فَقَالَ: ارْفَعْهَا، فَإِنَّا لَا تَأْكُلُ الصَّدَقَةَ، قَالَ: فَرَفَعَهَا، فَجَاءَ الْعَدَمِيُّ لَكَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: مَا هَذَا يَا سَلْمَانُ؟ فَقَالَ: هَدِيَّةٌ لَكَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَصْحَابِهِ: ابْسُطُوا ثُمَّ نَظَرَ إِلَى الْخَاتَمِ عَلَى ظَهِيرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَآمَنَ بِهِ، كَانَ لِلْيَهُودِ فَاشْتَرَاهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، بِكَذَا كَذَا دِرْهَمًا عَلَى أَنْ يَعْرِسَ لَهُمْ نَخْلًا، فَيَعْمَلُ سَلْمَانُ فِيهِ، حَتَّى تُطْعَمَ، فَعَرَسَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، النَّخْلَ إِلَّا نَخْلَةً وَاحِدَةً، عَرَسَهَا عُمَرُ فَحَمَلَتِ النَّخْلُ مِنْ عَامِهَا، وَلَمْ تَحْمِلْ نَخْلَةً، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا شَاءَ اللَّهُ فَهُمْ بِهِ مُحْمَدٌ، فَحَمَلَتِ النَّخْلَةِ ؟ فَقَالَ عُمَرُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَنَا عَرَسْتُهَا، فَتَرَعَّهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَعَرَسَهَا فَحَمَلَتْ مِنْ عَامِهَا

Абу Бурайда розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида Салмон Форсий у зотнинг ҳузурларига дастурхон билан борди. Унда ҳўл мева бор эди. У таомни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қўйди. У зот: «Эй Салмон нима бу?», дедилар. У: «Бу сиз ва асҳобларингизга садақа», деди. У зот: «Буни ол! Биз садақа емаймиз», дедилар. Салмон дастурхонни йиғишириб олди. Эртасига яна худди шу йўсинда тоамни келтириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қўйди. У зот: «Эй Салмон нима бу?», дедилар. У: «Сизга ҳадя», деди. Шунда

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалариға: «(Буни ейиш учун) кенгроқ ўтиинглар», дедилар. Салмон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларидағи (нубувват) хотамини (пайғамбарлик муҳрини) кўрди ва у зотга иймон келтирди. У яхудийлар қўлида қул эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни яхудийлардан фалон дирҳамга сотиб олдилар. Шунингдек, берилган пулга қўшимча тарзда яхудийларга хурмо дараҳтларини экиб, ўша дараҳтлар ҳосил бергунича Салмон хурмозорда ишлаш шарти билан озод қилинди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (шартда келишилган) хурмо дараҳтларидан биттадан ташқари ҳаммасини экдилар. (Экилмай қолган) биттасини Умар экди. Ўша экилган йилининг ўзида (одатдан ташқари ўлароқ) барча дараҳтлар ҳосилга кирди. Фақат битта дараҳт ҳосил бермади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳосил бермаган дараҳт иши нима бўлди?», дедилар. Умар: «Эй Аллоҳнинг Расули, у дараҳтни мен эккан эдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дараҳтни ердан суғуриб олиб, қайта экдилар ва дараҳт ўша йили ҳосил берди».

Манба: hadis.islom.uz

